иккинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

357 Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўгрисида

Республика ахолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фукароларга ижтимоий мададни кучайтириш максадида:

- 1. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш хаки, пенсиялар, стипендиялар хамда нафакалар микдори ўрта хисобда 1,15 баравар оширилсин.
- 2. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 91 530 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 179 020 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 179 020 сум; зарур иш стажига эга булмаган кекса ёшдаги ва мехнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 109 850 сум микдорида белгилансин.

- 3. Белгилаб қуйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қушиладиган устама ва қушимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа туловлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.
- 4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари микдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.
- 5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш хаки, пенсиялар, нафакалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боглик сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилсин.

Хужалик хисобидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш хақига мувофиқ, ишлаб



28 (580)-сон — 5 — 357-модда

чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

- 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ-4482-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- 7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўгрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
- 8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 2013 йил 11 июль, ПФ-4547-сон



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.

